

Mustahkam oila – yurt tayanchi


# OILA DAVRASIDA

№ 46 (392)  
2019 - yil  
7 noyabr  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqqa boshlagan.



## ИЛОҲИЙ ИМТИЁЗ

Бундан кимлар  
фойдаланади?

2-бет

## ШОЛИ ДАЛАЛАРИ...

ВА МАТЕМАТИКА

4-бет




## ҚИЗ ТАРБИЯСИ

қанчалик муҳим?

3-бет

*Ҳар саҳрида бордир  
бир олам хитоб,  
Ҳаёт йўлидаги  
нашъала — китоб.*

*Молени бўлеин деб  
халаша бутун,  
Уллу хикмат билан  
ошноман бузун.*



«Оила даврасида» газетасига

2020 йил **ОБУНА**  
учун

Обуна индекси — 193

«Оила даврасида» — энг арзон, энг қизиқарли ва ошлангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**



30 йилдан кейинги  
**ҚАЙТИШ**

5-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар ассортименти

Фано – ўтаётган вақт воситачилигида мавжудот тараккиёт ва таназзулнинг фалсафий суврати, ривожланиш ва инкироз белгиси, вақтнинг ҳаёт, ҳаётнинг вақт орқали ўтиши тавсифи, оламлар мажмуасидан тортиб, бўлақларга бўлинмас зарраларнинг тинимсиз инқилобий жараёни. Тараккиёт ва инкироз, инкироз ва тараккиёт жараёнларининг умумжаҳоний дард истилоҳидир.

## Илоҳий имтиёз

Бу фикримиз инсондан бошқа барча жонли ва жонсиз мавжудотга тааллуқли. Инсонга нисбатан эса фано ниҳоятда мурувватлидир. Фано йўли инсон учун мангуликдан узоқ, лаҳзадан яқин. Фано башар аҳли учун Ҳақ билан халқ ўртасидаги масофа, мобайн.

Фано – Одам Атонинг тупроқдан ийланган лаҳзаларидан бошлаб, тонгла маҳшаргача бўлган вақт чизиғи. Айни бир пайтда, фано лаҳзадаги ақл бовар қилмас бир улдушинг мингдан бири қадар кичик нуқтасидан олинган зарра. Яъни фано бу – «ўзингдан кетдинг – менга етдинг», демакдир. Ана шу маънода ҳам фано инсонга берилган илоҳий имтиёз.

Мумтоз адабиётимизнинг салмоқли қисми фано тилсимининг мифтоҳини, маънавий калитини кашф этиш билан машғул бўлган. Ўткинчиликка иқдорлик абадиятга эришмакнинг муҳим шартин деб қаралган. «Боқий топар улки, бўлди фаний, раҳравга фано бако бўлибдур», – дейди ҳазрат Навоий.

Йилнинг тўрт фасли – киш, баҳор, куз, ёз, инсоннинг вужуди таркиб топанг тўрт унсур – сув, ҳаво, тупроқ, олов, умрнинг тўрт мавсуми – болалик, ёшлик, камолот, кексалик – булар ва булар каби ҳайратланарли мутаносибликлар фанонинг ўзига хос стихия формулалари. Албатта, бу стихиянинг, бу талотумнинг замирида мутлако бир самовий интизом, илоҳий қонуният мавжудлиги муқаррардир.

Ана шу қонуниятни идрок этиш ва идрок этикизиш борасида мутафаккир шоирларимиз ақл бовар қилмас теранликларга бориб етганларки, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари ана шу кашфиётчилар даврасида, шак-шубҳасиз, фахрли ўринни эгаллайди.

Вақтнинг тинимсиз оқими дарёсида Паҳлавон Маҳмуднинг тафаккур кemasи мавзу ва мазмун жиҳатидан турли юкларни ташиб сузади. Бу «кема» бу «дарё»да баъзан соқин туради, яъни фалсафий мушоҳадаларга машғул бўлади, гоҳ оқимга қарши суза бориб, умрнинг тотти, завқи, ҳамҳаёт замондошларнинг дийдоридан лаззатланиш, саодатланиш, бу ғанимат бахтининг қадрига этиш ҳамда муваққатлигидан ҳасратланиш кайфиятларига берилади...

Паҳлавон Маҳмуднинг фано фалсафаси билан боғлиқ поэтик тадқиқотларидаги маърифий йўналишларида, нур толаларининг зулматни пайпаслаб ҳақиқат излашида ажиб бир ўзаро ҳаракат мутаносибликлари мавжуд. Боя айтганимиз кема ҳаракатидаги зоҳирий бекарорлик ботиний тафаккур устуворлигини таъминлаб тургувчи фаолият,



муборак бир рухий безовталиқдир.

Паҳлавон Маҳмуд рубоийетидаги фано фалсафасига бағишланган оҳанглариинг муҳим жиҳатларидан бири — ҳасратдир. Бирок, шуниси муҳимки, мисралардан уфуриб турган бу андуҳлар, ҳасратлар шунчаки обидийда эмас, билъакс, жаҳоний бир дард, мулки борлиқнинг тараккиёида таназзулни фаҳм этиш, мушоҳада қилиш ҳамда ана шу фаҳму мушоҳадалардан чиқарилган поэтик хулосаларни ҳаёт учун, муборак тириклик учун дастуриламал қилиб олиш истаги билан суғорилган.

*Меъмор фалак қаср ила айвон этгай,  
Нақшнинг тамом этгаю вайрон этгай.  
Пештоқини бу кун ўзига тенг этгай,  
Эртасига ер била яқсон этгай.*

Бу – кечган умрга мағрур бўлмаслик фалсафаси. Модомики, Аллоҳ абадияти қошида ушбу дунё қасрининг бизга азалий ва абадийдек туюлган умри бир кунликкина экан, нима учун инсон вақтни, ўтаётган умрнинг бебаҳо лаҳзаларини бу даражада қадрамаслиги керак?

Хулоса шундайки, яшаб қолишга ошқмоқ керак. Умримиз бизга узундек туюлади, холос. Аён бўладики, биз тақдир томонидан бизга ажратилган вақтнинг «қўли»да омонат, гаровдамыз. Маънан ўзига хос тутқунларимиз. Бизга берилган ҳаёт шунчаки тухфа бўлиб қолмасдан, бир кунмас-бир кун ҳисоби сўраладиган армуғондир.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ**

(«Тафаккур чорраҳаларида» китобидан)

Халқ билан мулоқот

## Ҳоким талаба-ёшлар билан учрашди

Андижон шаҳридаги Ёшлар марказида вилоят ҳокими Шўҳратбек Абдурахмонов олий ўқув юрларида тахсил олаётган талаба-ёшлар билан учрашди, дея хабар бериши ўЗА.



Учрашувда вилоят ҳокими бугунги глобаллашув даврида мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг таълим олиши ва келажаги, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун зарур барча ишлар қилинаётгани, ёшларимиз ана шу эътиборга муносиб бўлиши кераклигини таъкидлади. Шунингдек, ёшлар онгида

мамлакатимиз келажаги, амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш каби муҳим масалалар ҳақида гапирди.

Ёшлар тенгдошларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамият тараккиётига хизмат қилувчи ғоя ва ташаббуслари билан юрт равнақига муносиб хизмат

қилиш зарурлиги ҳусусида тақлиф ва мулоҳазалар билдирди.

– Вилоят ҳокими менин ижтимоий тармоқда «Мен Андижонни севаман» шиори остида хештек очиш, вилоятимиз ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар билан тўлдириш ҳақидаги тақлифимни қўллаб-қувватлади, – деди Андижон давлат университети талабаси Олимбек Турсунов. – Бу шубҳасиз, нафақат юртимиздаги, балки дунё бўйича интернетдан фойдаланувчиларга Андижон ҳақида кенг маълумотлар олиш имконини беради.

Учрашувда ёшларнинг «Ҳоким ва ёшлар» тадбирини мунтазам ўтказишни йўлга қўйиш ҳақидаги тақлифи маъқулланди. Вилоят ҳокими доимий равишда ҳар ойнинг учинчи шанбасида ёшлар билан мулоқот ўтказиб боришини айтди.

Оила ва жамият

## БУ ҚЎРҒОННИ АСРАШГА БАРЧА МАСЪУЛ

Тошкент вилояти Қибрай туманида оилавий муносабатлар ва мол-мулк сабаб ўзаро низолашган оилаларни яраштиришга бағишланган очик мулоқот ўтказилди, дея хабар берди ЎЗА.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бирга мулк низоси ёки эр-хотин муносабати бузилиши сабаб оиласида тинчлиги йўқолган 60 дан зиёд оила вакиллари иштирок этди. Эр ва хотин масъулияти, уларнинг бир-бири олдидаги бурч ва ҳуқуқлари, бахтли ва тинч-тотув яшаш асослари ҳаётини мисоллар орқали тушунтирилди.

Очик мулоқот, самимий суҳбат натижасида 3 та оилага қувонч, бахт ва тўқислик қайтди. Яъни, 3 та оила яраштирилди. Эътиборли жиҳати, ушбу оилалардаги 5 нафар фарзанд барча қатори энди ота-онаси бағрида, уларнинг меҳрига қониб воёга етайдиган бўлди.

Ҳамкорлик

## ТОШКЕНТДА ЁҒОЧЛИ БИНОЛАР ҚУРИЛАДИМИ?

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Россия Федерацияси Вологда вилоятидаги таширф буюрган тадбиркорлар билан учрашувда шу тақлиф киритилди.

Ўзаро мулоқот давомида Вологда вилояти губернатори ўринбосари Виталий Тушинов Тошкентдаги ўзгариш ва янгиланишларни эътироф этиб ўтди. Шунингдек, савдо-иктисодий, саноят ва қурилиш йўналишидаги ҳамкорлик бўйича мулоҳазаларини баён этди. Қурилишда ёғочли биноларни барпо қилиш тақлифини билдирди. Тахтани қайта ишлаш, қандолатчилик, экологик тоза кийимлар ишлаб чиқариш ҳамда балиқчилик бўйича ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш икки томон учун ҳам аҳамиятли эканлигини маълум қилди.

Олий таълим

## ТЎЛОВ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигиндан олинган маълумотларга қўра, талабалар учун контракт тўлаш муддати узайтирилди.

Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг жорий йил 21 октябрдаги баёни билан кўпчилик абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда ОТМлар ректорларининг муражаотларини инобатга олиб, 2019/2020 ўқув йилида ОТМлар бакалавриятга тўлов-контракт асосида талабаларга тавсия этилган (шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган) абитуриентлар, ўқиши кўчирилган ва қайта тикланган талабалар ўқиши учун тўлов ҳақини ўтказиш ҳамда талабалар сафига қабул қилишни расмийлаштиришнинг сўнгги муддати 2019 йил 20 ноябрь этиб белгиланди.

## # САЙЛОВ – 2019

◆ Овоз бериш вақти ва жойини қаердан билса бўлади? Бу ҳақда участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камда 10 кун олдин хабардор қилади.

◆ Овоз бериш қачон ўтказилади? Сайлов куни (22 декабрь) соат 8.00 дан 20.00 гача овоз бериш мумкин.

◆ Овоз бериш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат шартми? Ҳа, шарт. Сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиб, сайловчилар рўйхатида имзо қўйгандан сўнг унга сайлов бюллетени берилади.

◆ Фуқаронинг фамилияси сайловчилар рўйхатида бўлмас, нима бўлади? Бундай ҳолда сайловчи шахси, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжати асосида сайловчилар рўйхатининг иловасига киритилади ва унга сайлов бюллетени берилади.

# ҚИЗ БОЛА ТАРБИЯСИДАГИ БИР ХАТО

Бутун жамиятни катта хатарга қўйиши мумкин

Йиллар давомида тарбиядаги услуб ва воситалар ўзгаргани, ривожлангани сайин, бунинг ижобий томонлари билан бирга, салбий жиҳатлари ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса бу киз болалар тарбиясида жуда хавфли ва аянчли кечиши ҳеч гап эмас.



Тенглаштириш сари илк кадам

Узоқ йиллар давомида миллийликдан узоқлашиб, умумийлашиши, ўзга қолиплардаги тарбия маънавий бузилиш, ҳатто тарбиядаги парокандалик таълим ва тарбияни берк қўча томон буриб юборди. Миллий педагогика «оммавий маданият»нинг маъмурий марказлашган («совет халқи» таъкибиди) шаклланди. Зеро? тарбия инсонни болалигидан миллий одат ва анъаналар руҳида шакллантириш бўлиб, унинг асосида гендер (*жинс*) тарбияси ётади. Усиз ҳеч қандай тарбия хусусида гапириш мумкин эмас.

Миллий гендер тарбияси миллий қолипдан умуминсоний қолипларга ўтиши туфайли қайсидир маънода миллатнинг миллий кадрятларига дарз кетаётгани сир эмас. Афтидан хотин-қизларнинг ижтимоий мақоми ва роли режали равишда узоқ йиллар давомида миллий қолиплардан чиқарилиди. Қизлар тарбияси оиланинг базавий муносабатларини шакллантириши билан миллий муносабатларда муаммоли жараёнларга сабаб бўлди. Гап ижтимоий тармоқларда оилавий, айниқса, келин ва қизларнинг ота-она, кайнога-қайнона алоқаларидаги нохуш ҳодисалар ҳақидаги хабарларнинг одатий ҳолга айлиб қолаётгани хусусида бормоқда.

Ижтимоий баркамолликда шахснинг ўз жинсига мослиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қиз боланинг ижтимоийлашуви ўғил болаларникидан жиддий фарқланади. Уларнинг фикрлаш шакли ва даражаси ҳам ўғил боланикига нисбатан чуқурроқ ва кенгроқ. Шу билан бирга, унинг турмуш тарзида нафосат марказий ўринни эгаллаганидан феъл-атворида артистизмга мойиллик яққол намоён бўлади. Ахир, аҳоли орасида «аёл кишининг макр-хийласи қирқ эшакка юк бўлиши» ҳақидаги иборалар бежиз пайдо бўлмаган.

Масаланинг биз учун муҳим жиҳати замонавий тараккиётда аёлнинг миллий-маънавий кифёсини ижтимоий мақом маъносидида кўрмоқ орзусидир. Бугун Ўзбекистон ҳам дунёнинг глобаллашуви, айниқса, интернет ахборот коммуникация тизими таъсирида кириб келаётган «оммавий маданият» хавфидан четда эмас. Хорижий давлатлар билан алоқаларнинг бекиёс кенгайиши туфайли ҳаммамиз турли ғоялар гирдобидида яшаймиз. Жамиятда миллий-ахлоқий кадрятларнинг кадрризланиши, янгича ижтимоий муносабат ва ўзгаришлар қарор топиши шундан далолат беради.

Шарқона қиз тарбиясида боланинг покизалиги, хушмуомалалиги, кийинишда танасининг тўла либосланиши, уй ишларида мохир чевар ва пазандалиги, оилавий алоқаларда ҳалимлик, отаси, ака-укаларига бегараз саранжом-сарिशғалик хизмати адо этиши, уларнинг сўз ва шаънини ҳар қадамда ҳис этиши, онасининг ёнида меҳрибон ёрдамчи сифатида уй юмушларини тоқат билан эгаллаши асосий мезонлар саналади.

Шўролар тузуми даврида болалар боғчасидан тортиб барча соҳаларда тенглаштириш сиёсати натижасида ўғил болалар билан қизларни боғчада ёнма-ён ётиши, партада бирга ўтириши, маросимларда кучоқлашиб вальсга тушиши «жинсий уйғунлашув»да муҳим омил бўлди.

**Қиз бола ўғил болалар билан бирга яшаш ва ўқиши натижасида нафосатидан жасорат томон шаклланди. Ўғил болалар эса феълдаги зарурий жасоратликдан мосуво бўлиб, «ғўзал йигитча»га айланди.**

Айниқса, турли ёшлар ташкилотлари қизларни фаолликка

ундовчи чақириклари билан ота-оналарининг измидан чиқариб, қиз болани сиёсий йўлга солди. Биз сунъий асосда хотин-қизлардан турли қаҳрамонлар ясаганимизни ҳеч ким инкор этолмайди.

Охир-оқибат, қиз бола ҳатто тамаки ва алкоголь билан ҳам ошно бўлди. Эндигина юз очган ғунчада жасорат гуллаб, оммавий жойларда ҳар хил ҳолатда юриш, кийинишда оврўпачалашув одатий ҳолга айланди. Бу даврда ўғил болалар билан бирга ўтириш, жамоавий ҳаётда таналарини бир-бирига «тегиб кетиши», кейинчалик қўл бериб, кучоқлашиб, айниқса, ўпишиб кўришиш қиз болани нафакат нафосат дунёсидан айириши, балки эстетик руҳий хиссиётида жиддий ўзгаришлар ясашга олиб келди.

**Кучини кўз-кўз қилаётган кумушлар**

Яқин вақтларга қизлар оилада уй ишлари, айниқса, ошхона маликаси ҳисобланар, бичиш-тиқиш санъатини момо ва оналаридан ўрганар эдилар. Энди замонавий буви ва оналаримиз қизларимизни турли ўқув марказларида ўқитиши турмушга чиқишини ҳумиш шартга айланди. Шу ўринда нафосатга жиддий эҳтиёж туғилганини қизларнинг «замонавий оқ тўй кўйлақлари» билан изоҳлаймиз. Энг қизиғи, қизларни ўғил болалардан ўзини олиб қочиб, бегона кўзлардан асраш каби ҳислат ўрнига намоийшкороналик ўғил болалардан кўра қизларда кўринмоқда. Биз тўй кунлари нафакат келин, балки куёв йигитларни ҳам ғўзаллик салонларига бориши ҳақидаги гапни эшитиб, тўғриси, ишонмадик. Афсуски, бу ҳолат тобора урфга айланмоқда.

Яна бир мулоҳазамизни талабчан ўқувчи тўғри тушунишини жуда-жуда хоҳлардик. Ўзбекистонда қизлар спортининг ривожига ўзига хошлиқни унутмаслик керак. Европада аёллар спорти эркаклар спорти билан айкаш-уйқаш бўлиб кетгани Европанинг бизнес муаммоларини ечининг янги йўллари кидириши, эса ҳисоблаш мумкин. Бизда эса ҳамма нарсани ўйламай-фикрламай кўчириш миллий менталитетдан узоқлаштиради. Спортнинг қизлар учун оғир бўлган соҳаларида иштироки ҳам қиз бола миллий кифёсидида ўзгаришларни ясайдики, бу миллий кадрятларга уйғун эмас. Ахир Кумушнинг қўл-оёқ мушаклари эркакларникидек, муомаласи эса «алпомциона» бўлишини

қандай тасаввур этиш мумкин?! Бу Отабекнинг феъл-атворидаги эрлик фазилатларини жиддий синдирмайдими?

Нобель мукофоти соҳиб Ч.Ломбразе «Эркакда ҳақиқий эрлик фазилатларини аёлдан бошқа киши тарбиялай олмайди, аёл ўзининг унга тегишли экани, унда ўз химоячи-боқувчисини кўриши билан эркакни эркак қилади», деганда ҳақ эди. Дарҳақиқат, қиз бола ўқ ёшидан бошлаб ўз жинсини англаши ҳамон ўғил болалар билан муносабатини тартибга солади. Оилада қиз тарбияси нозиклиги, унинг ўғил болалар билан муносабатини шакллантиришга қаратилган. Шу маънода, бундан қирқ йил олдин она ўғлини мактабга қизларга қўполлик қилма, дея кузатган бўлса, бугун қизига худди шу гапни айтади.

**«Қуролланган қўйлар «хужуми»**

Ўзбек қизлари кунни кун, тунни тун демай юртимиз равнаки йўлидаги фидойи меҳнатларига иқромимизни баён этган ҳолда жамиятимиз тараккиётда жинс тарбияси бузилиши ижтимоий оғишга олиб келиши масаласида фикр билдирдик, холос. Зеро, жамиятдан бир-икки кадам олдинда юриб, ижтимоий комилтимиз йўлидаги ижобий ва салбий томонларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиши зиёлининг бурчидир.

Ғарбона цивилизация аёлга бўлган муносабатдаги хатоси туфайли бугун «ё ҳаёт, ё мамот» масаласини бошдан кечирмоқда. Аёлларнинг «эр-какларга хужуми» даври бошлангани туфайли мутахассислар суд орқали никоҳ ва туғилган болага оталик ҳуқуқи ва моддий таъминоти билан боғлиқ муаммолар гирдобига тортилди. Айни вақтда дунё микёсида аёлнинг бола тарбиясида «совуш» ҳолати кузатишмоқда.

Ғарб жамиятида феминизм ҳаракати туфайли она деган муқаддас макон вайрон бўлди. Ёлғиз она, ташландик болалар сони, боз устига бир жинсли никоҳ каби жирканч ижтимоий касалликлар келиб чиқмоқда. Аёлнинг ижтимоий мақоми ва роли ўзгариши туфайли эркакларнинг эрлик менталитети нобуд бўлди. Инсон зотида жинснинг мақоми ва функцияси ўзгариши ижтимоий ҳалокатга олиб келиши муқаррар. Айниқса, қиз боланинг тарбиясидаги битта хато ҳам оиланинг бузилишига олиб келадики, унинг илк «чилги пази» юртимизда намоён бўлмоқда. Биз ҳар қандай садақатли эр ўз оиласи, фарзандларини ташлаб ўзга аёл билан турмуш қуриб яшашини иқдор бўлсақда, аёл боласини ташлаб ўзга эркак билан турмуш қуришини девинатлик кўрсаткичи, деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда эр ўз фарзандини сотиши у ёқда турсин, она ўз фарзандини сотиши ҳолатини қандай изоҳлаш мумкин?..

Республикамиз микёсида ҳар йили бекор қилинаётган никоҳларнинг сабабларини социологик ўрганиш вақти алақачон етиб келгани маълум. Шу маънода соци-

ология соҳасида етарли даражада илмий тадқиқот ва таҳлилларни ўтказишга қодир, давлат тараккиётига таъсир этувчи омиллари очиб берадиган мутахассисларга эҳтиёж борлигини юқоридаги далиллар тасдиқлайди.

Миллат миллий мақоми ва тараккиётда кизларнинг бўлғуси она-тарбиячи бўлиши билан ҳал қилувчи роль ўйнаши бизни ташвишлантиради. Қиз болани нафиса, латифа, нарғиза, гулнора, гулбахор, гулсевару-гулчирай каби сифатлари бўлса, Кумушнинг руҳи шод бўларми? Оила деган кўрғоннинг устунлари мустаҳкам бўлиб, давлатимизнинг барқарорлиги таъминланарди. Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглиги деганда жисмоний тенгликни назарда тутмаслик, аёлни маънавий-ахлоқий муносабатларда фуқаролик тенглигини назарда тутиш зарур.

**Қизлар ажойиб тадбиркор бўлиб, ўғилларимиз яхшигина «уй бекаси»га айлиб қолаётгани каби ҳолатларга безтибор бўлмайлик, ўзимизни кўриб кўрмаганга олмайлик!**

Баъзи ҳолатлар шахснинг психологиясида, айниқса, аёлнинг руҳиятида латифалик ва лобарликка таъсир этиши мумкин. Биз республика микёсида аёл қандай ҳаётни хоҳлаши ҳақида социологик тадқиқотларни ўтказмаганмиз.

Мактаб таълимида қизлар учун ҳафтада икки соат «Малликлик сабоқлари» алоҳида ўқитилса яхши бўларди. Ўғил болаларга эса «Темирбеклар» харбий таълими эркак фазилатини шакллантириб, жиддий ижобий таъсирга эга бўлади.

Бир неча оммавий жойларда ёш сингилларимизнинг эркаклар билан «даханак жанги»га гувоҳ бўлдик. У ерда айб йигитда бўлмаса-да, шундай ҳақоратларни бўйқиздан эшитдикки, ҳатто илон бу сўкишлардан нафакат пўстини, балки ғўштини ҳам ташлайди... Айни вақтда интернет сайтларидаги видеороликлар билан далиллагна ҳолат ҳам йўқдир. Эзгулик ва ёвузлик ижтимоий тараккиётда шаклланиб эркан, қиз бола тарбияси бўлмаса миллат келажагига соя тушади. Барча миллий ғам-ташвишларимиз гендер тарбиясидадир. Зеро, буюк олим Ю.Харари «Қуролланган қўйлар қуролланган бўйлардан хавфлидир», деганда инсоният жамияти ўз қонунарига таянишига эътибор қаратган. Агар замондошларимиз оила давра-сида ўзларининг мактаб ёки олийгоҳга кетаётган қизлари ва сингилларига бир бора эътибор бериб қўйсалар, муродимиз ҳосил бўлар эди.

**Абдирашид МИРЗАҲМЕДОВ,**

Наманган муҳандислик-технология институти доценти

# АЛГЕБРА БЕЖИЗ ХОРАЗМДАН ЧИҚМАГАН

## ёхуд шоли далаларининг математикага қандай алоқаси бор?

### Шарқдан... ҳикоя

Ҷужзиян – Жанубий Хитойнинг Амурарёси, бу кенгайиб, буралиб оқадиган дарё ўз сувини ҳосилдор ерларга олиб боради. Хитойда ишлаб чиқариш ривожлангунча Ҷужзиян кирғокларида ястанган балчиқли ерларга фақат шоли экилган. Жанубий Осиёнинг барча мамлакатлари – Япония, Корея, Сингапур, Тайван – шоли етиштириш усулларини Хитойдан ўзлаштириб олганлар.

Бугдэй далаларидан фарқли ўлароқ, шоли далалари тозаланмайди, улар «барпо этилади». Дарахтлар ва буталарни кўпориш, тошларни йиғиштириш ва далани шудгор қилишнинг ўзи етарли эмас. Шоли далалари тоғ ёнбағирларида жимжимдор ўйиқларнинг поғонали шаршараси шаклида ўйилади ёки ботқоқликлар ва дарё ёнларида тер тўкиб барпо этилади. Шоли далалари сугорилари, шунинг учун уларни кўтармалар, дамбалар ўраб туриши керак.


Даланинг ўзи лойдан иборат йўғон қатламга эга бўлиши шарт, акс холда сув дарҳол ерга сингиб кетади. Лойга шоли экиб бўлмайди, демак, унинг устига қалин қилиб балчиқ ётқизиши лозим. Лой қатлами ўта текис бўлиши шарт, акс холда сув даланинг у четидан бу четиға оқиб кетади ва экиннинг бир қисми сув остида қолади, бошқа томони сувсизликдан қурийд. Шолини доимо озиклантириб туриш лозим – бунинг ўзи ҳам санъат.

Шоли экиш пайти келганда, дехқонлар шолининг

ҳосилдорлиги, тезпишарлиги ёки қурғоқчиликка чидамлиги билан фарқланадиган юзлаб турлича навларидан танлаб олишлари мумкин.

Шолини қўлда, хар қуни ва тиришқоқлик билан ўток қилиш зарур, чунки бошқа ўсимликлар ёш мурғак кўчатлари сиқиб қўйиши мумкин. Бъзидда хар бир кўчатга алоҳида бамбукдан бўлган тароқ билан ишлов берилади – шу тариқа зараркунанда хашаротлар йўқ қилинади. Айни пайта дехқонлар мунтазам ва кўп марта сув даражасини текшириб туришлари ва сув қуёш нури остида қизиқ кетмаслигини кузатишлари керак.

Хуллас, шоли етиштириш санъаткорона меҳнат талаб қилган. Гуруч бойлик ва мартабани мезони ҳисобланган. У хар бир куннинг хар бир иш сонияларини белгиланган.



### Ғарбдан таҳлил

Америкалик олимлар билиб қолдиларки, осиеликлар математикани яхши ўзлаштирадиган. Хитойлик, жанубий корейлик ва япониялик талабалар, шунингдек, бу мамлакатлардан яқинда келган иммигрантларнинг болалари ғарблик тенгдошларига нисбатан математикани осон ва тез ўзлаштирадиган. Математикада осиеликлар – шубҳасиз, биринчи, уларнинг муваффақияти муқаррар! Кўплаб тадқиқотчилар жавоб беришга уринган саволга жавобни талаб қилади: нима учун шундай?

Математикадан истеъдодлилик илдизларини ахтарганда, одатда интеллектга мурожаат қилинади. Осиеликларнинг математикага қобилияти кучлигини уларда қандайдир туғма когнитив устуворлик борлиги туфайли деб тахмин қилишнинг мумкин. Бирок бу унақа эмас. Математика бўйича истеъдод фақат когнитив қобилиятларга боғлиқ эмас. У кўп жиҳатдан маданият билан боғлиқдир.

Станислас Дехэйнинг «Рақам ҳиссиёти» (*Number Sense*) асарида бу ҳақда шундай ёзилади: «Хитойларнинг рақамларни аңглатувчи сўзлари жуда қисқа. Уларнинг аксариятини чорак секунд ичда талаффуз қилиш мумкин (*мисол учун, 4 – бу «си», 7 – «ки»*). Инглизча эквивалентлари узунроқ: тегишлича «four» ва «seven». Уларни талаффуз қилишга учдан бир сония вақт кетади. Сўзларнинг узунлигидаги таъкидланган фарқ, аёнки, инглиз тилида гапирадиганлар ва хитой тилида гапирадиганлар хотирасининг ўзига ҳосилларини туншунтиради. Валлийча, инглизча, арабча, хитойча ва иврит сингари хар илк турдаги тилларда рақамларни талаффуз қилишга сарфланадиган вақт ва тил соҳибларининг хотираси ҳамми ўртасида таққорланадиган нисбат кузатилади. Мазкур мезон бўйича хитой тилининг қантон шеvasи биринчи ўринга чиқади, унинг қисқалиги туфайли Гонконг аҳолиси ўзларининг рақамларни эслаб қолиш бўйича ноёб хотиралари билан мактаншилари мумкин».

Йигирмадан юқори сонларни ясада инглизлар ўнликларни биринчи ўринга ва бирикликларни иккинчи ўринга қўяди:

(*twenty one*) (*йигирма бир*), (*twenty two*) (*йигирма икки*). Бирок ўн бирдан то ўн тўққизгача бўлган сонлар бошқача ясалди. Аввал «бирикликлар келади», кейин «ўнликлар» келади: (*fourteen*), (*seventeen*), (*eighteen*). Бу ғалати эмасми? Хитой, япон ва корейс, туркий тилларда ҳаммаси бунақа эмас. Уларнинг ҳисоб тизими мантиқийлиги билан ажралиб туради. Ўн бир – бу ўн-бир, ўн икки – ўн-икки, йигирма тўрт – икки ўн тўрт ва ҳоказо.

Бу тафовут осиелик болаларга иккита устуворлик беради. Биринчидан, улар жуда эрта сананиш ўрганадилар. Тўрт ёшли осие бўласи қирққача санай олади. Америка болалари бу ёшда ўн бешгача санай оладилар, фақат беш ёшда улар қирққача санашлари мумкин. Бошқача айтганда, мазкур асосий математик кўникмада америкалик болалар осиелик тенгдошларидан аллақачон бир йилга орқада қоладилар.

Иккинчидан, осиелик болаларга асосий арифметик амалларни, масалан, қўшишни бажариш осонроқ. Етти ёшли инглиз боласидан миясида ўттиз еттига йигирма иккинчи қўшишни сўраган. У аввал сўзларни сонларга айлантиради (37 + 22) ва фақат кейин қўшишни амалга оширади: 2 плюс 7 тенг тўққиз, 30 плюс 20 тенг 50, биргаликда 59 чиқади. Осиелик болани уч ўнлик етти ва икки ўнлик иккинчи қўшишни сўрасангиз унинг миясида аллақачон сўзларнинг ўзидаёқ жамланган тайёр ечим: беш ўнлик тўққиз пайдо бўлади.

«Осие ҳисоблаш тизими шаффофдир, – дейди Осие – ва Ғарб ўртасидаги фарқларни ўрганиш билан шуғулланадиган Шимолий-Ғарбий университет психологи Карен Фьюзон. – Ўйлайманки, бу математикани ўрганишда буткул бошқача ёндошувни шарт қилиб қўяди. Қуруқ ёдлаш мантиги аңгашга имкон берадиган тизим билан алмашади. Мен бу тизимнинг оқилона эканини тушунаман. Қасрлар билан ишларканмиз, биз бешдан уч деймиз. Хитойликлар бевосита шундай дейишади: «беш қисмдан учтасини олинг». Тушунча даражасида мазкур тил шакли сизга дарҳол қаср нима эканини туншунтиради ва сурат ҳамда махражининг ўзаро нисбати қандайлигини аңглатади».

Фьюзоннинг фикрича, бизга, катта-

ларга, у қадар салмоқли кўринмаган бу фарқлар математика алифбосини ўрганаётган 6, 7 ва 8 ёшли болалар учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ғарб мактабнинг ўқувчиларида математикага нисбатан ўсиб бораётган нафрат илк бор учинчи ёки тўртинчи синфда пайдо бўлади, тахмин қилиш мумкинки, майли қисман бўлса-да, бунинг сабаби математикада маъно ва мантиқнинг йўқлигидадир. Унинг лингвистик тизими жуда ҳам хайбатли, асосий қоидалари эса ғайриинхтиёрий ва чалқашдир.

Осиелик болалар бундай мушкулотлардан озод. Нима учун? Чунки улар мияларида кўпроқ сонларни ушлаб қола оладилар, арифметик ҳисобларни тезроқ амалга оширадилар, уларнинг тилларида қасрлар берилган сўз шакллари эса қасрларнинг ички моҳиятига мувофиқ келади. Эҳтимол, бу ҳолат уларда математикага муҳаббатни уйғотади; эҳтимол, бу математикага биров катта муҳаббат уларни тиришқоқлик билан шуғулланишга, кўпроқ дарсларда қатнашишга ва уй вазибаларини оғринмасдан бажаришга ундайди. Боши ва охири йўқ айлана ҳосил бўлади. Математикага нисбатан уларда тайёр устуворлик бор, бу устуворлик алоҳида олинган осиелик боланинг интеллектига боғлиқ эмас. Шунчаки уларнинг тиллари муайян турдаги интеллектуал жумбоқларни ечишга мослашган. Бу шарқнинг маданий меросидир.

### Ал-жабр ва шоли далалари

Америкалик олим ва ёзувчи Малком Гладуэлл эътиборни шоли далаларига қаратади. Агар математик қобилиятларга шоли етиштириш таъсирида шаклланган маданиятга дахлдорлик таъсир кўрсатган бўлса-чи?

Шоли далаларига қарасанг – фақат энг ўртасида туриш керак – унинг ўлчами ҳаммадан катта таассурот қолдиради. У жуда қичкинадир. Шоли майдонининг ўлчами, қоида тариқасида, гектарнинг ўн бешдан биридир. Бу меҳмонхонадаги битта хонасининг ўлчамидир. Одатий осиелик шоли даласининг ўлчами йигирма сотих ортиқ бўлмайди.

Ғарбнинг агромаданияти автоматла-

штиришга талпинади. Агар ғарб фермери ўз меҳнатининг самарадорлигини ошираман ёки ҳосилни кўпайтираман деса, у кўпроқ янги технологик асҳаларни жорий этади, қўл меҳнатини механик меҳнатга алмаштиради. Бирок Шарқда дехқонлар вақтни оқилона тақсимлаш ва саводли қарорлар қилиш ҳисобидан ҳосилдорликни оширганлар. Антрополог Франческа Брей айтганидай, шоли агромаданияти «маҳоратга асосланган»: агар сиз далани янада синчковлик билан ўток қила олсангиз, тўғри ўғит беришни ўргансангиз, сув даражасини тез-тез текшириб турсангиз, лой қатламини нафисроқ текисласангиз ва хар бир квадрат сантиметр ердан унумли фойдалансангиз, янада бой ҳосил оласиз. Шунинг учун шоли етиштирадиган инсонлар бошқа қишлоқ хўжалиги турлари билан машғулларга қараганда ҳамма шўпроқ меҳнат қилганларидан ҳайратланмаса ҳам бўлади.

Шарқда қишда ҳам тиним бўлмаган. Қуруқ даласти мавсумга тўғри келган қисқатгина дам олиш вақти – ноябрдан февралгача – кўплаб ишлар билан тўлган. Дарахт новдасидан саватчалар ва бош қийимини тўқиш ва бозорда сотиш... Айрим ҳисоб-китобларга кўра, осиелик шолироқ дехқон бир йилда қарийб 3000 соат ишлайди. Уч минг соат ишлаш – бу инсон учун улкан, баҳайбат юқдир, бунинг устига унинг аксарият қисми тин оёқда, эгилиб, қуёш нурунинг тиғида шоли майдонини ўток қилиб ўтади.

Унга таскин берадиган ягона нарса бу ишининг табиатидир. Биринчидан, шоли етиштиришда сарф қилинган куч-қувват билан олинадиган муқофот ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд. Даллада қанчалик тиришқоқлик билан меҳнат қилсангиз, ҳосилнинг шунча мўл-қўл бўлади. Иккинчидан, бу мураккаб жараён. Дехқон нафақат шунчаки ўйламасдан баҳорда дон сепаиб, қузда ўриб оладиган одам эмас. Аслида у оилавий пудрат фаолиятини мувофиқлаштирувчи, уруғ танлашда шубҳаларни енгиб ўтувчи, мураккаб ирригация тизимини барпо этувчи ва унинг ишлашини кузатувчи, илк ҳосилни йиғиб-териб олишни бошқарувчи ва бир пайта иккинчи экиш учун далани тайёрловчи инсондир.

«Шоли етиштириш жараёни нафақат

ноёб меҳнатсеварликни, балки улкан синчковликни ҳам талаб қилади, – деб ҳикоя қилади тарихчи Кеннет Померанц. – Далани суғоришдан олдин идеал даражада текислаш ўта муҳимдир. Сувнинг даражасидаги заррача номуаносиблик ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Сув далада муайян вақт мобайнида туриши лозим. Уруғларни бир хил масофада экиш билан уларнинг тартибсиз сепилиши ўртасида катта фарқ бор. Сиз шунчаки уруғни март ўртасида ерга сепиб, ой охирида ёмғир ёғиб қолар деб ишонч билан кутиб ўтиролмайсиз. Мутлақо ҳамма жараёнлар аниқ ҳисоб-китобга асосланган назорат остида бўлиши лозим».

Бу осийликларнинг меҳнатқашлик маданияти борасидаги муҳам фикрлар эмас. Исталган европа ва америка коллежларида бунга тасдиқлашлари мумкин, осийлик талабалар кутубхонадан ҳаммадан кейин кетадилар. Бу айб эмас, ахир меҳнатга ишониниш – гўзал ахлоқдир.

### Қайта-қайта уринишдан кўрқмаслик

Кўпинча биз математик истисъодни туғма қобилият деб ҳисоблаймиз. У ё бўлади, ё бўлмайди. Бирок истисъод қобилиятлар билан эмас, кўпроқ муносабат билан боғлиқдир. Математикани қайта-қайта уринишдан кўрқмайдиган одам ўзлаштиради.

**Муваффақият тиришқоқликдан, қайсарликдан ва бошқалар 30 секундда ташлаб кетадиган масалани 22 минут давомида ечишга тайёрликдан ҳосил бўлади.**

Меҳнатқашлик ор-номус маданияти каби чуқур илди отган маданият хулқ-атвор бўлган мамлакатни тасаввур қилинг. Бу мамлакатнинг аҳолиси математикага қобилиятли бўлиши аниқдир.

Дунёда таълим ходимларининг халқаро гуруҳи ҳар тўрт йилда бир марта математика ва табиий фанлар бўйича ҳар томонлама тестларни ўтказиши, мазкур тестларда бутун дунёдан келган бошланғич ва ўрта мактабларнинг ўқувчилари иштирок этадилар. Бу тестлар TIMMS (*Халқаро математика ва табиий-илмий таълимдаги тенденциялар*) деб аталади, уларнинг мақсади – турли мамлакатларнинг академик ютуқларини киёслашдир. TIMMS тестларини топишида ўқувчиларга турли-туман саволларни жамлаган сўровномани тўлдириб тақлиф этилади: бу саволлар орқали уларнинг математикага муносабатлари, уларнинг ота-оналари таълим даражаси, дўстлари ва ҳоказолар аниқланади. 120 банддан иборат бу анкета-сўровнома шу қадар зерикарли ва батафсилки, кўпинча унинг 10-20 саволлари жавобсиз қолади... Агар анкета бўйича тест натижалари ва ажратиш натижалари киёсланса, улар деярли тўла бир-бирига мос келади. Бошқача айтганда, узоқ вақт диққатини жамлаб ўтира оладиган ва туганмас сўровноманинг саволларига сабр билан жавоб бера оладиган талабалар математик масалаларини ҳам бошқалардан кўра яхшироқ ечадилар. Бу факт Пенсилвания университетининг тадқиқотчиси Эрлинг Боу томонидан аниқланган.

Шундай қилиб, математикада қайси мамлакатлар энг кучли? Бу гал ҳам сиз мен гапни қаёққа бураётганимни тушунгандирсиз. 2003 йилда TIMMS тестлари бўйича саккизинчи синфлар орасида етакчилар бешталигига Сингапур, Корея, Гонконг, Хитой (*Тайбэй*) ва Япония кирган. 1999 йилда саккизинчи синфлар учун тестлар бўйича етакчилар бешталигига Сингапур, Корея, Гонконг, Хитой (*Тайбэй*) ва Япония кирган, 1995 йилда эса – Сингапур, Корея, Япония, Гонконг ва Бельгия етакчилики килган. Сингапур, Корея, Гонконг, Хитой, Японияни – Осийни, шубҳасиз, шולי етиштириш ва мазмуни меҳнат таъсирида шаклланган маданият бирлаштиради.

### Дарвоқе...

Буларнинг барисини мулоҳаза қилиб хаёлимга бир ўй келди: Алгебра – «Ал-жабр»дан, бузоқ математик аждодимиз Хоразмдан экани бежиз эмасдир, балки. Юртимизда айнан шу ерда шולי экилади ва шולי маданияти шакллангандир.

**Карим БАХРИЕВ**

(Малколм Гладуэллнинг «Уддабуронлар ва ландоувурлар» асари асосида тайёрлади)



## Сақоқушлар қайтмоқда

**Ўзбекистоннинг шимоллий минтақаси – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги сув ҳавзаларига ноёб сақоқушлар галаси келиб кўнмоқда.**

Ярим аср илгари иқлим мувоzanатининг бузилиши, кўлларнинг кўмилиб, пахтазорларга айланрилиши, Амударё сувининг камайиши, Орол денгизи-

нинг қурий бошлаши оқибатида бу тур қушлар қулай шароит излаб бошқа маконларга кўчиб кетишган эди. Кейинги эллик йил ичида фақатгина 1989 йил кузида сақоқушлар айрим жойларда жуда кам сонда кўзга ташланган ва улар баҳорга яна кўринмай қолган. Бу даврда улар миграция жараёнида кўчиб ўтган бўлиши мумкинлиги тахмин қилинади.

Ўтган ҳафта охириларида эса сақоқушлар дастлаб Хоразмнинг йирик сув ҳавзалари: Амударё ва Полвонёп канали тармоқларида кўзга ташлан-

ган. Бугунгача улар Шўркўл, Қалъажик ва Сарикамиш кўлларида кўпаймоқда.

– Сақоқушлар мешқобчи қушлар, бирқозон деб ҳам аталиб, улар курақоққиллар оиласига мансуб парранда тури саналади. Мамлакатимизда унинг пушти ва жингалак турлари жуда кам микдорда учрайди. Хоразм воҳасида эса азалдан пушти рангли сақоқушлар ёввойи ҳолда кўпайиш мавсумида келган. Сақоқушнинг жингалак тури тобора йўқ бўлиб кетиш хавфи бўлгани учун халқаро Қизил китобга киритилган, – дейди Хоразм вилоят Экология ва атроф-муҳитни асраш бошқармаси бўлим бошлиғи Қ.Болтаев. – Сақоқушларнинг камайишига браконерларнинг ноқонуний ов қилиши ҳам сабаб бўлиши, шубҳасиз. Шу сабабдан бу қуш турларини асраш бизнинг қундалик вазифамизга айланган.

**Эрпўлат БАХТ**

**Ҳашаротлар ичида асаларидек табиат шайдоси бўлмаса керак. Унинг меҳнатсеварлиги, заҳматқашлиги кишини лол қолдиради. Асаларилар қийғос очилган гуллар оламига талпиниб, эртанги кун ташвиши билан яшайдилар.**



## ТАБИАТ МЎЖИЗАСИ, САЛОМАТЛИГИМИЗ ПОСБОНИ

Гулларнинг мўл-кўллиги ва сероблиги асалари учун айни муддао. Тиниб-тинчимас ҳашаротларнинг гул хиди, ранги, ҳатто ултрабинафша нуруларини ҳам яхши фарқлай олишдан беихтиёр хайратга тушасиз. Бу жажжи жониворлар ҳартумлари билан гул чангини сўргач, йиғилган нектарни то уяларига етиб келгунларигача сўлак бези суюқлиги билан аралаштириб, олти киррали мумкатакчаларига йиғишини ҳеч қузатганмисиз?

Насл қолдириш она асаларилар зиммасида бўлади. Кўпайиш улар ҳаётининг асосини ташкил қилади. Ишчи асаларилар эса мумкатакчалар ичида вояга етгач, теварак-атрофни ҳар хил чиқиндилардан тозалайдилар. Уяси теварагида учини машк қилиб, кейин қатта арилар ёрдамида гуллар оламига талпиниб, нектар йиғишга киришиб кетадилар. Асаларилар ором олиш нималигини билишмайди. Улар учун ҳаёт қонуни шундай.

Заҳматқаш жониворларнинг ҳаёт тарзи ғоят ажойиб. Улар қиска умри мобайнида оила-оила бўлиб, ахил ва инोक яшайди. Ишчи асалариларнинг асосий вазибалари гул чанги ва нектар-шарбат йиғишдан иборат. Шунингдек, ўз уялари атрофини саранжом-саришталаш, она ари ва каттакчалардаги личинкаларни озиклантириш, ташки хавф-хатарлардан ҳимоялаш каби бир қатор юмушларни ҳам бажаришади.

Асаларилар турли ҳаракатлар ёрдамида ўзаро ахборот алмашиб туришади. «Разведкачи» асалари нектарга бой бўлган гулзорни топгудек бўлса, қайтиб келиб, қути уяси устида қорнини ликиллатиб,

айланиб, гўё рақсага тушаётгандек ҳаракат қилади. Бу ҳаракат қайси томонга ва қанча масофага учиб бориш кераклигини билдиради. Шундан сўнг ишчи арилар «разведкачи» қўрсатган гулзор томон учиб кетишади.

Асалариларнинг қушандалари ҳам йўқ эмас. Чумчқсимонлар оиласига мансуб узун тумшуқли олақанд қарқуноқлар уялари атрофида тўп-тўп бўлиб учиб юрган беозор жониворларга хавф солиб туришади. Бундай пайтларда кишиларнинг кўз-қулоқ бўлиб туриши ва ғамхўрлиги зарур.

Жиззах вилоятида асаларичиликка ихтисослашган 26 та фермер хўжалиги бўлиб, уларда йилига 200 тоннага яқин асал етиштирилади.

– Асал – она табиат томонидан инсонга инъом этилган бебаҳо неъматлардан, – дейди асаларичилик бўйича мутахассис Ҳофиз ака Сулаймонов. – Унинг шифобахш хусусиятларини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. У мултасам равишда истеъмол қилинса, кишига тетиклик, куч-қувват бағишлайди.

Мутахассислиги бўйича ветеринар врач Ҳ.Сулаймонов мана чорак асрдан буён кичик фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келади. Асаларичилик уюрга ота касб. Ҳофиз ака ўзи истиқомат қилаётган Жиззах шаҳри Алишер Навоий номидаги маҳалланинг кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларини ўз ҳисобидан шифобахш неъмат билан таъминлаб келади.

Саховатли инсонлардан бири – Олмазор маҳалласида истиқомат қилувчи Ризахон Фарсахововни

сухбатга қорлади:

– Жиззах худудида етиштирилган асалдек доривор неъмат кам учрайди, – дейди у мамнуният билан. – Чунки воҳазимизнинг табиати шунга мос. Асал берувчи гиёҳлар тури ҳам мўл-кўл. Бирок Катта Ўзбек тракти бўйлаб Ғалладорол туманининг Бахмалсой ва Заргарсой кишлоқлари ичидан ўтгудек бўлсангиз, тижоратчи «асаларичиларни учратиб, таъбиғиз хира бўлади. Ушбу трассада ўтувчи чет эллик сайёҳлар уларнинг «маҳсулот»ларидан таътиб, ўзбек асалига қандай баҳо беришяётган экан, деб ўйлаб қолам. Ахир, уларнинг аксарияти шакардан тайёрланган қиём эканлигини улар қаёқдан билишсин? Нега асалга сертификат бериш изчил йўлга қўйилмаган? Асални текшириб, сотувга рухсат этилишини ташкил этса бўлади-ку?!

Ҳа, асалчилик бўйича қатта тажрибаси бор опанинг қунончакилик билан айтган сўзлари айни ҳақиқат. Бугун ўч-тўрт сўм топиш илнжиди каллоблик йўлига ўтиб олиб, она табиатимизнинг ҳақиқий неъматни доврўғини тушпириб юбораётганлар кўпайса кўпаймоқдаки, асло камаймаяпти.

Фасллар ўзгариб, ҳаёт ўз маромида давом этаверади. Мавсум алмашинуви даврида мурғак жониворлар ҳаёт синовларидан ўтиб, қузни қузатиб, кишини қаршилайдилар. Уларнинг бир гуруҳи қути уялари ёнида куз кўзёши тағтида исинишади. Саломатлигимиз посбонлари бўлган митти жониворлар ҳамиша меҳрмуруватга, парваринга эҳтиёж сезадилар.

**Абдулла САИДОВ**

# ОДАМ САВДОСИНИНГ ОФИР ОҚИБАТЛАРИ

Одам савдоси – инсон ҳаётига хавф соладиган офир жиноят, энг аянчли иллатлардан бири. Унинг салбий оқибатларидан ҳар кун қанча-қанча инсон жабр кўрмоқда. Дунё бўйлаб тарқалган бу хавфли иллат таъсири, минг афсуски, юрти-миз фуқароларини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Бу офир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч кўринишга эга. Бу нафақат дунёвий, ҳуқуқий жиҳатдан офир жиноят, балки ислом динимизда ҳам қаттиқ қораланган иллат саналади.

Ислом – қулликка барҳам бериш ва унга қарши курашишга тарғиб қилади. Қулни озод қилиш ибодат даражасига кўтарилган. Яратганга беҳисоб шукрки, бутун дунёда қуллик даври тугатилган. Ҳар бир инсон хур, унинг хурлигини чеклашга ҳеч қим ҳақли эмас.

Одам савдосига қарши курашиш мақсадида кўплаб конвенциялар, қонун, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Ижроси юзасидан тегишли ташкилотлар назорат олиб бормоқда. Аммо кун сайин авж олиб бораётган одам савдоси ҳақидаги хабарлар кўпайиб бораётганидан бу одатий тусга айланиб қолаётгандек, гўё.

Ислом динида одам савдоси билан боғлиқ масалалар фуқоҳоларимиз томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилган. «Аҳли сунна вал жамоа»га эътиқод қилувчи барча уламолар, жумладан, тўрт мазҳаб фуқоҳоларининг барчаси одам савдоси ҳаром тижорат эканлигига иттифоқ қилганлар. Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) муқаррам қилди ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ қилиб бердик ва уларни ўзимиз яратган кўп жонотлардан афзал қилиб қўйдик» (Исро сураси, 70-оят).

Авалло, одамнинг шакли, барча аъзоларининг тузилиши азизу муқаррамликдан далолат бериб туради. Бошқа махлуқотларда бу шакл, бу мутаносиблик ва бу каби аъзолар йўқ. Сўнгра Аллоҳ таоло одамни ўз қўли билан яратиб муқаррам қилди. Ўз руҳидан жон пуфлаб улуглади. Бундай шарафга ҳеч бир махлуқот муяссар бўлган эмас. Шу боисдан ҳам, инсон азизу муқаррамдир. Аллоҳ таоло яна одам боласини ўзи берган ақл билан муқаррам қилиб қўйди. Ақли билан инсон бошқа ҳамма махлуқотлардан устун туради.

Одам боласи бошқа махлуқотлардан мутлақо афзал саналади. Афзалликда унга яқин кела оладиган махлуқот оламда йўқдир. Барча махлуқотлар одам боласи учун беминнат хизматқордир.

Буларнинг ҳаммаси инсонни Аллоҳ азизу муқаррам қилиб қўйганининг намуналаридир.

Барча фуқоҳолар юқоридаги ояти қаримага асосан одам боласини сотиш, уни тасарруф қилиш, унга қиймат белгилаш ва ҳаля, садақа қилиш ҳаром деганлар. Чунки бу каби олди-сотди ва бошқа муомалалар инсон эгаллик қилиши мумкин бўлган нарсаларда жоиз бўлади. Одам боласи эса, инсон эгаллик қилиши мумкин бўлмаган нарсалар сирасига киради. Шунингдек, одам боласини бошқа махлуқотлар каби қийматини белгилаш ва уни сотиш унга нисбатан хорлик эълон қилиш билан баробардир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилганлар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло: *«Уч киши борки, мен уларга қиймат кунни ҳусуматчиман. Менинг номимдан (аҳд) берадиган ва кейин хиёнат қиладиган киши. Хур кишини сотиб пулнини ейдиган киши. Мардикор ёллаб, уни ишлатиб ва ҳаққини бермаган киши»*, деди», деб айтдилар (Имом Бухорий ривояти).

Мазкур ҳадисга асосланиб уламоларимиз: одам боласини сотиш ҳаромдир. Чунки ер юзидаги барча инсонлар бир ота ва бир онанинг фарзандларидир. Бир-бирларига меҳр-шафқатли, бир-бирларини химоячиси бўлиши лозим. Шунингдек, одам савдоси билан шуғулланиш ва ундан тушган даромадини ейиш ҳаромдир, дедилар.

Уламоларимиздан бирлари, ер юзидаги барча инсонлар хурдир. Ким унга нисбатан жиноят содир этса, қиймат кунни Жаноби Ҳақ таолонинг ўзи унга рақиб бўлур, дедилар.

Ҳозирги кунда одам савдоси жабрланувчиларининг аксарини аёллар ва ёшлар ташкил этаётгани кишини ташвишга солади. Уларнинг бу қисматга рози бўлишига турли омиллар сабаб бўлмоқда. Хорижий давлатга таълим олиш, ишлаб пул топиш мақсадида бориб одам савдоси қурбонига айланиб қолмоқда. Шунингдек, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар алдомага учиб осон йўл билан мўмай даромад қилиш учун чет элларда сарсон-саргардон бўлиб қолаётганлар қанча?!



Хўш, одам савдосига қарши курашишнинг энг самарали йўли нима?

**Одам савдосига қарши курашишда инсонларда Аллоҳга ва охираат кунига ишончининг сустилиги сабаб қилиб кўрсатилади. Чунки Аллоҳга ва охираат кунига иймон келтирганлар ва қиймат кунни ҳисоб-китоб қилинишини англаган ҳар бир мусулмон бундай катта гуноҳга қўл урмайди.**

Демак, аввало ўзимизда ва ён атрофимиздаги инсонларда Аллоҳга ва охираат кунига бўлган эътиқодни тўғри шакллантириш орқали одам савдосига қарши курашиш мумкин.

Юқоридаги ҳадисда одам савдосидан тушган даромаднинг ейиш ҳаромлиги айтилди. Аллоҳ таоло ва унинг Ҳақ пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни ҳалол касб қилишга тарғиб қилган. Ислом динида ҳалол ва ҳаром қилинган нарсалар очик-ойдин баён қилинган. Одам савдоси билан шуғулланишни ўзига касб қилганлар Аллоҳнинг буйруқларига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига номувофиқ ҳаром касб билан шуғулланаётган инсонлардир.

Хўш, уларнинг мана шундай касб билан шуғулланишларига нима сабаб бўлмоқда?

«Тирикчилик» – тирикчилик қонунчилиқда жиноят деб белгиланган ва муқаддас ислом динида гуноҳ деб очик-ойдин айтилган ишлар билан шуғулланишга олиб келмаслиги керак. Чунки Аллоҳ берган ризқ насибага сабр қилиш, қаноатли бўлиш мўминнинг гўзал сифатларидандир.

Сабрсизлик қилиб жиноятга қўл уриш мўмин кишига хос хислатлардан эмас. Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Кимки зарра миқдорда ёмонлик қилган бўлса ҳам уни кўрар». (Залзала сураси, 8-оят)

Мусулмон киши инсонлар, жамият ва бошқа махлуқотлар, ҳатто, жонсиз

нарсалар билан бўлган муносабатларда шафқатсизлик ва зулм қилиши қиймат кунда бу гуноҳи учун ҳисоб-китоб қилинишига олиб келади.

Одам савдоси билан шуғулланиш нафақат мазкур «тижорат»нинг қурбонига айланган инсоннинг ўзига, балки унинг оила аъзолари, яқинларига қилинган шафқатсизлик ва зулмдир. Зулм шунчалик ёмон гуноҳки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бу гуноҳнинг жазосини охираатга сақлаб қўймайди, балки дунёнинг ўзида бериб бошлайди. Золим жазосини олмай бу дунёдан ўтмайди.

**Ортиқча орзу-хавасларга берилиш.**

Аслида орзу хавас айб эмас. Аммо орзу хаваснинг ҳам меъёри бўлиши лозим. Ақс ҳолда, бу исрофгарчиликка олиб келиб, боз устига инсонни тоқатидан ортиқча ҳаракат қилишга мажбур қилади. Бу эса одам савдосига қўл уришга олиб келиши ҳеч гап эмас. Чунки осон пул топиш, мўмай даромад оҳанрабодек одамларни ўзига тортади.

Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: *«Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрлик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир»* (Иброҳим сураси, 7-оят).

Аллоҳнинг берган неъматига шукр қилиш, инсоннинг ўзига фойда бериши билан бирга турли гуноҳ ишларнинг олдини олади. Гуноҳ ишларни қилмаслик оилада соғлом турмуш тарзи шаклланишига олиб келса, жамиятда тартиб-интизом пайдо бўлади. Аксинча, ношукрлик инсонда сабрсизлик, қаноатсизлик каби иллатларни келтириб чиқаради.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

*Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир биродарига зулм қилган бўлса ёки бирор ҳақи бўлса, динор ва дирҳам бўлмайди қун қелишидан олдин зулмини тарқ қилсин ва даъвосини тўхтатсин. Агар зулм қилувчининг яхши амаллари бўлса, қилган зулми миқдорича ундан олинад. Агар яхши амаллари бўлмаса, маълумини гуноҳ амалларидан олиб унга юкланади», дедилар (Имом Бухорий ривояти).*

Одатда одам савдоси жабрланувчилари кўп зарар кўрадилар ҳамда соғлигини ҳам йўқотдилар. Шундай экан, одам савдоси билан шуғулланган «савдогарлар» жабрланувчидан узр сўраш баробарида унга ва унинг оиласига етказилган зарарни қоплашда қўмақлашиши адолатдан бўлади. Шундай қилсалар, ўзаро меҳр-оқибат ришталари боғланишига, ўртадаги норозилик кайфияти йўқолишига сабаб бўлади ва бир-бирларидан рози бўлади.

«Ўзгросуғурта» акциядорлик жамиятининг Навоий вилояти филиали ҳамда унинг туманларда фаолият юритаётган бўлимлари қутилмаган оғир вазиятларда аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларга яқин ёрдамчи бўлмоқда. Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига суғурта хизматлари изчил кириб бораётган ҳозирги шароитда одамларнинг суғурта тўғрисидаги билим ва кўникмаларини ошириб бориш, бу хизмат турига бўлган ишончини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир.



## СУГУРТА БОЗОРИДА ОЛДИНГИ САФДА

### ШОНАЗАР БОБОНИНГ ҲАДИГИ

Ёзнинг қайноқ забтига олган бир куни. Ҳаво анча дим. Устига устак килт этган шамол ҳам эмасдан одамни хит қилади. Шундай бир паллада бола-чакадан хийла олисда, очик далада умргузоронлик қилиб, далада тер тўкишнинг ўзи бўлмайди. Бу ишни ҳам яратган эгам чидаганга чикарган. Шоназар бобо негадир бир учи уфқларга қадар чўзилиб кетган, учи-кети кўринмайдиган чексиз ёбонда ўзини хийла эмин-эркин сезади. Само денгизини тўлдириб, канот қоқаётган, бир-бирига ўз тилида алланарсалар дея чуғурлашаётган кушларга қараб туриб адосиз хаёларга бериледи. Рости, бобога ер, дала деса жонига-жон киреди. Бобо бугун ҳам куёшдан илгари уйғонди, чой ичмасдан пайкалнинг тарақарик олинган қисмига сув очди. Сўнгра ўзига хос эпчиллик билан якка жўя қилиб қоғозлай бошлади. Ишни адоғига етказиб, кейин чойга ўтирди. «Бу йил гўзаларнинг ривожини тузук. Ишқилиб бирор офат рўй бермасинда», деб қўйди ўзига ўзи беихтиёр.

Аммо бобонинг айтгани бўлмади. Икки-уч кун ўтар-ўтмас, хавонинг авзойи бирдан айнаиб, момоқалдирик кучли гумбурилади, самони ёриб юбормасам ҳисоб эмас, демокчидек чақмоқ чақди. Ҳаш-паш дегунча оламини хийлагина қоронғулик қоплаб, қалдирик босди. Ёмғир челақлаб қўйиб юборди. Одамнинг тинкасини қуритадиган, экинларни ҳечам аямасдан нобуд қилишга шайланган бўрон қутира бошлади. Бу ҳол анча кунгача давом этди. Натижада йил давомида парвариши жойида бўлиб, оби-хаётга қонган бўлик гўзаларнинг анчагина қисмидаги ҳосил тугунчаларини тапот, гаримсел ер билан битта қилиб тўкиб юборди. Шоназар бобо ва у сингари кўпгина дехқонларнинг пайтавасига қурт тушди. Еган-ичгани ўзига татамиди. Энди нима бўлади, деганга ўхшаш хавотиру ҳадик уларнинг қалбини, ичинини худди сичкондек кемира бошлади.

Буни қаранг, шундай қийин бир шароитда, икки оёқ бир эттика тикилган кезде «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамиятининг Навоий вилояти филиали жамоаси хатирчилик Шоназар бобо ва у каби кўплай дехқон ва фермер хўжаликларига кўмак бериш учун келди. Қиска мудат ичида зироатчилар кўрган зарар қоплаб берилди. Натижада уларнинг кўнглида яна умид пайдо бўлди. Тушқунлик кайфиятидан асар ҳам қолмади.

Чиндан ҳам, «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамиятининг Навоий вилояти филиалида фаолият кўрсатаётган, ўз ишининг билимдони ва устаси бўлиб танилган ходимларнинг баҳоли қудрат кўмаги билан қийин ва мураккаб ҳолатга тушиб қолган миждозларнинг мушқули осонлаштириб бориляпти. Аслида аҳоли ва фермер хўжаликларини ҳар қандай ва-

зиятда ҳам қўллаб-қувватлаш, қўлтиғига кириб суяш, мадад бериш мазкур жамоанинг қундалик шioriга айланиб улгурган, десак сираям муболаға эмас.

Маълумки, «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги «Ўзгросуғурта» АЖ, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги «Ўзгросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорига асосан акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган. Устав жамғармаси 108,9 миллиард сўми ташкил этади. Бугунги кунда мазкур жамоа аҳолининг кенг қатламларига суғурта хизматларини кўрсатишга бел боғлаган.

### МУВАФФАҚИЯТНИНГ УЧ ОМИЛИ

Бугунги давр жуда тезкор. Янгилик ва мислсиз ўзгаришларнинг адоғига етиш қийин. Ана шундай кезде ҳар қандай жамоа ўз устида ишламас, миждозлари билан имкон қадар иллик муомалада бўлмаса, дилига туккан ниетиға эриша олмайди. Бозор иқтисодиётининг бу сингари қатъий талаби «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти ва унинг худудлардаги барча филиалларининг қундалик иш тутумидан муносиб ўрин эгаллаган. Шунинг учун SAIPRO халқаро рейтинг агентлиги томонидан амалга оширилган таҳлиллар бўйича 2018 йил якунларига кўра, суғурта бозоридаги компаниялар орасида «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти тузилган шартномалар сони, суғурта муқофотлари ҳажми, тўланган суғурта товонлари бўйича биринчи ўринни банд этиб турибди. Албатта, бу муваффақият замирида тинимсиз изланиш, янгиликлардан хабардор бўлиш, илгор тажрибаларни қўллаш сингари муҳим омиллар ётибди.

– Токи ер қуррасида ҳаёт мавжуд экан, инсон боласи ҳечам қутилмаган табиий офатлару бахтсиз тасодифлардан узил-кесил қафолатланмаган. Фалокат оёқ остида деганларидек, бу нарсалар яшин тезлигида содир бўлади. Баъзида бундайин бахтсизликка чора тополмай, одам иложсиз қолади, – дейди «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамияти Навоий вилояти филиали бошқарувчиси Азамат ҚУВОНОВ. – Ана шундай вақтда суғурта кўпчиликнинг жонига оро қурди. Бизнинг жамият универсал суғурта компанияларидан бири бўлиб, унинг Навоий вилояти филиали ҳамда худудий бўлимлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга бир юз қирқдан ортик суғурта хизматлари кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда филиалимиз ва унинг туманлардаги мавжуд бўлимларида ўз ишининг устаси бўлган, етарли касбий кўникама ва билимга эга бўлган етмиш уч нафар ходим қучидан фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, саксон икки нафар суғурта агенти ҳам фаолият юритади. Давлатимиз раҳбари сўнгги вақтларда мамлакатимиздаги молия муассасалари билан суҳбатлари чоғида суғурта фаолиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқда. Соҳа фаолиятини танқидий таҳлил этиб, биз суғуртачилар олдиға зудлик билан ечилиши зарур бўлган қатор масалаларни кўндаланг қўйган эди. Шулардан энг муҳими, аҳолининг барча қатламини суғурта тўғрисидаги тушунчаларини ошириб боришдан иборат. Бунинг учун ходимларимизнинг билим ва кўникмаси доимий равишда ошириб борилмоқда.

Жамоада ишнинг қатъий тартиб асосида йўлга қўйилгани сабабли, қатор муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Буни эътиборингизга ҳавола этиладиган тўққиз ойи давомида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111,4 фоизга кўп тушум тушуши таъминланди. Шу аснода юридик ва жисмоний шахслар билан 65 мингта суғурта шартномалари тузишга муваффақ бўлинди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4101 тага кўп демакдир.

Баъзан кўча-кўйда одамларнинг суғуртадан товон пулимини вақтида ололмадан эсим кетди, деганга ўхшаш хасратларни қулоққа қалиниб қолади. Аслида ўз ҳақ-ҳуқуқини, қонуний манфаатларини яхши билган, англаган киши бундай мушқул ҳолатга тушмайди. Қолаверса, суғурта полиси бўлган инсонни ҳар доим ҳам қонун ўз ҳимоясига олади. Бу гапларни айтишдан мудоа шуки, жамоада юқоридаги сингари аҳолини ноқулай ва қийин вазиятларда қолдирмаслик учун жиддий чоралар кўрилган. Ушбу фикрларимизни аниқ далиллар ёрдамида ифодаласак, барчаси беш қўлдайд ойдинлашади.

Филиал томонидан 381 та ҳолат бўйича аҳоли ва ташкилотларга 430,2 миллион сўм миқдоридеда суғурта товонлари тўлаб берилди. Жумладан, 181 та ҳолатда ўқувчиларнинг бахтсиз ҳодисаси учун 28,9 миллион сўм, 23 та фермер хўжаликларига 138,1 миллион сўм, иш бевувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртасига 142,7 миллион сўм, транспорт воситаларининг жавобгарлигини мажбурий суғуртасига 36,2 миллион сўм, аҳоли мол-мулкига 13,5 миллион сўм миқдоридеда суғурта товонлари тўлаб берилди. Буларнинг бари аҳолининг суғурта хизматиға бўлган ишончини ошириб боришға хизмат қилади.

### СУГУРТА МАДАНИЯТИ

Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомизнинг табаррук номи билан аталадиган ёш ва навқирон Навоий вилоятининг

имкониятлари ҳам, қулочи ҳам хийла кенг. Минтақанинг бир учи Самарқанд вилоятининг чўққилари булуғларга бўйлашган тоғлари билан юзлашса, иккинчи томондан бепеён ва чек-чегарасиз Қизилқум саҳроси орқали Қозғистон ва Қоракалпоғистон Республикасига қача ушлашиб кетади. Учунчи томондан Бухоро вилоятининг жаннатмонанд боғ-роғларига, ям-яшил экинзорларига бориб такалади. Воҳа худуди тарқок бўлгани учун Томди, Учқудук, Қонимех, Нурота, Қизилтепа, Навбахор, Хатирчи, Кармана сингари туманлардаги узок овул ва аймоқларда асосан чорва билан банд аҳоли вакиллари умргузаронлик қилади. Асосий мақсад – ана шу инсонларни ҳам суғурта хизматидан баҳраманд этиш. Шунинг учун филиал ва мазкур туманлардаги бўлимма ходимлари ва суғурта агентлари бу ишға жалб этилган. Мазкур худудларда тез-тез семинар ва тушунириш тадбирлари ўтказиб турилибди. Сабаби оддий одамлар бундан ўзлари учун кўп нарса олмоқда.

Хабарингиз бўлса керак, миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозориға бўлган ишончини ошириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 2 августда «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта хомашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори билан эса пахта хомашёси ва бошоқли дон экинлари етиштируви тадбиркорлик субъектларини турли табиий офатлар туфайли кўриладиган зарарлардан суғурталашнинг ишончли механизми амалиётға кенг жорий қилинди.

– Буларнинг барчаси миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда муҳим қадам бўлди, – дейди «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамиятининг Навоий вилояти филиали бошқарувчиси ўринбосари Азизбек Тўраев. – Аҳамиятлиси шундаки, бугунги кунда юқоридаги ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасида аҳоли ва фермер хўжаликлари билан вилоят филиали ва худудий бўлимлари ҳамкорлик ишларини олиб бориб, суғурта соҳасида уларға тўлиқ ва батафсил тушунчалар берилмоқда. Суғурта ҳимоясига олинганлар сафи кенгаймоқда. Ушбу ҳужжатларға мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланибди.

Сирасини айтганда, «Ўзгросуғурта» акциядорлик жамиятининг Навоий вилояти филиали ва унинг худудлардаги бўлимлари ходимлари вилоятнинг қишлоқ жойларда сифатли ва қафолатли суғурта ҳимоясини таъминлаш ва ағросанот соҳасини равнақ топтиришға, қадди-бастини кўтаришға кўмаклашиш, миждозларни кенг қамровли суғурта хизматлари билан таъминлаш ва мулкий манфаатларини ҳимоя қилишда юқори савияда хизмат кўрсатиш орқали суғурта маданиятини ривожлантириш, сифатли ва жаҳон андозасига мос ва хос суғурта хизматларини кўрсатиш орқали бир миждоз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашға жон-жаҳди билан киришган кўринади. Зеро, бахтсиз, қутилмаган тасодиф сабабли азият чеккан жонларни муносиб ҳимоя қилиш орқали ўз олдига қўйган мақсад-мудоаға эришиш мумкин бўлади.

Ўлғубек ЖУМАЕВ,

«Оила даврасида» мухбири

Хизматлар лицензияланган.

## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ОРАЛАБ...



Салоҳиддин Норқобилов

21 ч. ☺

## Свердлов «бобо»

Сурхондарёнинг олис туманидаги чекка қишлоқ мактабда ўқиганман. Мактаб уйимизга яқин бўлгани учун ҳам «оғим чиккан»дан буён у жой менга кадрдон.

Мактаб ҳовлисида кираверишдаги дарвозанинг устида кўзойнакли, соч-соқоли ўсган, кўринишидан ўзига ишончи бор бир одамнинг сурати осилиб турарди. Ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам, хатто нари-берига ўтиб-қайтаётган йўловчилар ҳам шу суратнинг тагидан ўтарди. Ўша ердан юрган одам борки, албатта суратга кўзи тушарди.

Бу одам ким?!

Қишлоқда мен танимаган одам бўлмаса! Ҳеч кимнинг бобоси ҳам эмас бу!

Саволимга биринчи синфга боргач жавоб топгандай бўлдим. У одам ўша олис мамакатлик большевик ва революционер Яков Михайлович Свердлов деган «бобомиз» бўлган эканлар. Мактабимиз у кишининг «буюк» номлари билан аталар экан!

Кейинчалик билдимки, «Свердлов бобомиз»нинг сурати фақат дарвозада эмас, синфхоналарда ҳам, кутубхонада ҳам бор, исм-фамилияси парталарга ўйиб ёзилган экан.

Энг ёмони мактабда дафтарнинг бетига «Я.М.Свердлов номли ... мактаб...» деб рус тилида ёзишга мажбур эдик. Сурати кўз ўнгимда турса-да, исм-фамилиясига тилим келишмай, хато ёзардим. Устозимдан кўп дакки эшитганман...

Яқин йилларда билдимки: Яков Михайлович Свердлов деган «бобомиз» 1919 йилда вафот қилган экан. Бу дунёдан ўтганига 70 йилдан ошса ҳамки ўша йиллари юртимизнинг энг чекка, тоғ тагидаги қишлоқ мактабда сурати «савлат тўқиб» турарди...

...Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ўттиз йил тўлди. Демак, устозимнинг сўнги бор «қулоғимни чўзганига» ҳам ўттиз йил бўлибди. Чунки, мен дафтар бетига рус тилида «Я.М.Свердлов номли ... мактаб...» деб ёзишда кўп хато қилардим!..

Салоҳиддин НОРҚОБИЛОВ

Tuha.uz | диний-маърифий х...  
12326 участников

## «Сиз Аллоҳнинг дўсти экансиз...»

Кекса отахон ҳар куни маҳалладаги бир болакайнинг яланг оёқ, резина тўп билан футбол ўйнаётганига кўзи тушарди. Бир куни дўконга бориб пойабзал олди ва болага тутказди:

– Буни кийиб ол, болажоним, сенга деб олдим.

Бола қувончдан қийқириб юборди ва шу заҳоти пойабзални кийиб олди. Сўнг соч-соқоли оппоқ бобога хайрат билан тикилиб:

– Сиз Аллоҳмисиз? – дея сўради.

Кекса кишининг қўл-оёғи қалтираб, лабини тиш-лади ва:

– Астағфируллоҳ, болам, ундай демагин.

Қўл-оёқчалари кир, қалби дунёдаги энг тоза нарсадан ҳам покиза болакай яна хайрат тўла нигоҳларини бобога қадади:

– Унда сиз Аллоҳнинг дўсти экансиз-да! Чунки мен кеча тунда Аллоҳга оёқ кийимим йўқлигини айтгандим, менга оёқ кийим бергин, дея йилагандим...

Отахон кўз ёшларини кўрсатмаслик учун болани бағрига босди...

Tuha.uz

диний-маърифий каналдан

## ЖАВОҲИР

Шавкат  
РАҲМОН

## ЯНА САВОЛ

**Оёғимга  
ботмон тошларни  
болаликдан бозлаб қўйди ким?  
Энди халос бўлмоққа етмас  
ёвузлардан асраган умрим.**

**Худо берган сонияларни  
хароб қилди қайси галамис?  
Агарда шу тоғлар бўлмаса,  
Учар эдик самоларда биз.**

## ТАБИАТ ДОРИХОНАСИ

## УЗУМНИНГ СОҒЛИҚ УЧУН ЎН ФЙДАСИ

◆ Узум вазн йўқотиш ёки уни бошқаришда ёрдам беради. Узум паст калорияли, глисемик индексга эга, ёғи кам мева. Узум тоқининг таркибиде антиоксидант хусусиятларга эга бўлган аралашмалар мавжуд.

◆ Узум – К ва С витаминининг яхши манбаи. Узум ва бошқа маҳсулотлар таркибидеги К витамини соғлом суяклар ва тўқималарни қўллаб-қувватлайди, антиоксидант С витамини эса шифо бўлади ва танангизга темирни синдиришга ёрдам беради. Бир стакан қизил ёки яшил узумдан яна оксил, витамин В6, калий, мис, марганецни ҳам оласиз.

◆ Узум яллиғланишга қарши озик-овқат ҳисобланади. Узумдаги антиоксидантлар ҳужайра мембраналарини химия қилиш орқали ҳужайраларга зарарини камайтириши мумкин. Кунига 1-2 стакан узумни истеъмол қилиш танангиздаги яллиғланишни кўзгатадиган кимёвий реакцияларни чеклаб, тўқималарни химия қилишга ёрдам беради.

◆ Оурак-қон томир касалликлари ҳақида гап кетганда, узум ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилинади. Узум таркибидеги баъзи бирикмалар қон босимини тартибга солишга, яллиғланишни оксидловчи стрессдан тозалашга, қон оқимини яхшилашга ва қон томир тизимингизни химия қилишга ёрдам беради.

◆ Узумни истеъмол қилиш терингизга ёрдам беради. Баъзи кичик изланишларга кўра, рангли мевалар ва узум каби сазавотларда учрайдиган махсус фитонутриентлар терининг ҳужайраларини ултрабинафша нурлар таъсиридан химия қилиши мумкин. Терингиз соғломлиги учун яна тарвуз, киви, резаворлар, ёнғоқ, зайтун ва балиқ истеъмол қилишга ҳаракат қилинг.

## ПАЗАНДАЛИК

## БЕЙГЛ

Бейгллар – исроилча булчаксимон пишириқ бўлиб, хилма-хил нонушта қилишни хоҳловчиларга жуда қўл келади.

## Масаллиқлар:

300 миллилитр сут, 650 грамм ун, 10 грамм куруқ хамиртуруш, 50 грамм + 2 ошқошиқ шакар, 2 та тухум, 1 чойқошиқ туз, 2 ошқошиқ ўсимлик ёғи, устига суртиш учун тухум оқи.

## Тайёрланиши:

Илик сутга хамиртуруш ва бир чойқошиқ шакар соламыз, аралаштириб, 5-10 дақиқага қолдирамиз. Сутга тухум ва қолган шакарни со-

либ, яхшилаб аралаштириб оламиз.

Урни элаб тоғорачага соламыз, туз сепамиз, устидан сутли аралашмани солиб аралаштирамиз. Юмшоқ, қўлга бироз ёпишадиган хамир қорамиз. Устини ёпиб, 40-50 дақиқага тиндириб қўямиз. Ошган хамирни тенг 12 қисмга бўламиз, ҳаммасини айлана шаклга киритиб, ўртасини тешамиз. Бубликлар устини ёпиб, 15 дақиқа тиндириб қўямиз. Бу вақтда қозонга 2 литр совуқ сув солиб қайнатамиз ва 2 ошқошиқ шакар соламыз. Қайнаётган сувга 3-4 тадан бейглларни соламыз, паст



оловда 30 сониядан қайнатамиз. Сўнг уларни сочикка териб қуритамиз. Қуриган бубликларни пергамент қозғ тушалган патнисга териб, тухум оқини суртамиз, седана селиб, 30-40 дақиқа давомида газ печиде пишириб оламиз.

## ИНТЕЛЛЕКТ

## Кўприк қулаб тушадими?

Катта юк машинаси 10 км узунликдаги кўприкдан ўтмоқда. Кўприк фақат 2300 тоннани ушлаб туриши мумкин, бу юк машинасининг аниқ оғирлиги. Юк машинаси кўприкнинг ярмидан кўпини босиб ўтади ва тўхтади. Юк машинасига қуш кўнмоқда. Кўприк қулаб тушадими? Сабаб кўрсатинг.

**Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.**

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

**Газетамизнинг 2019 йил 31 октябрь 44-сонида берилган саволнинг жавоби:** Бурчак зарбаси тепилганда, тўп ҳеч кимга тегмасдан дарвозага кирса, куруқ барг (сухой лист) ибораси ишлатилади.

Тахририятга биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган муштарийимиз Тошкент шаҳри Яққасарой туманидан **Рамиз ИСКАНДАРОВ**ни ва бошқа тўғри жавоб эгаларини кутлаймиз.

## МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот таркатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютерида терилди ва сақиланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» нарийв-таъбаба акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммаджон Қуროнов

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буортми: Г-1137

ISSN 2181-6190

Алади: 2 858 нууса.

Нарҳи: келишув асосида.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга теширилди: 19:00

ISSN 2181-6190



12 14 56